

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
ББК: 66.3(5У)12**



ЖЎРАҚОБИЛОВА ҲАМИДА ХОЛМАТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚУРИШДА
МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ
ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ**

Ихтисослик: 23.00.02 – Сиёсий институтлар ва жараёнлар

Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун
ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2009

32c (c52)

**Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.М.Мўминов
номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти «Социология ва сиёсатшунослик»
бўлимида бажарилган**

Илмий раҳбар: сиёсий фанлар доктори, профессор
Эргашев Ибодулла

Расмий оппонентлар: сиёсий фанлар доктори, профессор
Қирғизбоев Муқимжон

сиёсий фанлар номзоди
Умаров Хайрулла Пайзилласвич

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт
университети

Диссертация ҳимояси 22 октябрь 2009 йил соат 14 да
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши
академияси қошидаги фан доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун
диссертациялар ҳимояси бўйича ташкил этилган Д.005.10.01 - ракамли
Ихтисослашган Кенгаш йиғилишида ўтказилади. (Манзил: 100003, Тошкент
шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 45 уй).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил 21 сентябрь да тарқатилди.

Д. 005.10.01 ракамли
Ихтисослашган Кенгаш
илмий котиби



с.ф.н. А.Т.Жалилов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда мустақиллик даврига келиб инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлашда бекиёс шарт-шароитлар яратиб беришга қодир бўлган фуқаролик жамияти қуриш йўли танланди. Мамлакат Президенти И.А.Каримов давлатнинг энг устувор вазифаси сифатида қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Бизнинг асосий узоқ муқаддасли вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир”¹.

Албатта, фуқаролик жамияти қуришда сиёсий партиялар, нодавлат ношароитлар ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳамда давлатни бошқариш соҳасидаги ўрнини ошириш, давлат ҳокимияти, жумладан, маҳаллий бошқарув органлари ваколатларининг бир қисmini фуқаролик жамияти институтларига бериш каби ислохотларни амалга ошириш энг асосий вазифалардан биридир. Шунингдек, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришда давлат бошқаруви органлари фаолиятини номарказлаштириш, яъни марказий давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисmini маҳаллий ҳокимият органларига бериш такозо этилади. Умуман олданда, жамиятга яқин бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таборо чуқурлашиб бораётган ислохотлардаги масъулияти ошиб боради.

Шу билан бирга мамлакатда маҳаллий бошқарув органларини ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти талаблари асосида ислох этишда янгича фикрлайдиган, ўз дунёқарашига демократик кадриятларни сингдирган кадрлар гайёрлашга нисбатан зарурат ошиб боради. Айниқса, ўрта бўғиндаги раҳбар кадрларнинг янги жамият ва давлат қуриш, мамлакат фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги ўрни ва масъулиятини ошириш мамлакатни модернизациялашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади. Мустақил тараққиёт йўлида бу «...шаҳс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар янгича мазмун ва шакл топиб, янги хусусиятлар, янги тамойиллар асосида такомиллашиб бораётгани...»² билан характерланади.

Умуман олданда, сиёсий фанлар нуктаи назаридан Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришда маҳаллий бошқарув ходимларининг масъулиятини ошириш омилларига доир мавзун тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Зеро, “Қучли давлатдан – қучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида чуқурлашиб бораётган ислохотларни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органларининг жамият ва давлат ўртасидаги бошқарув бўғини сифатидаги ўрни фуқаролик жамияти қуришнинг энг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Президент И.А.Каримов мамлакатда “Қучли давлатдан – қучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида ислохотларни чуқурлаштиришнинг мазмун-

¹ Каримов И.А. Бизнинг бонг максамимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгиллаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир 13-жид. -Т.: Ўзбекистон», 2005. -Б.34.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. -Т.: «Маънавият», 2008. -Б.125.

моҳиятини очиб берар экан, куйидаги фикрларни билдирди: "...бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказишга борилишига таъкид қилинди. Бунинг учун авваламбор давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим"³.

Кўриниб турибдики, ҳозирги ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида раҳбар кадрлар, жумладан, маҳаллий бошқарув органлари ходимлари олдида бутунлай янги вазифалар қўйилмоқда. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг стратегик максдалари раҳбар кадрлар фаолиятининг асосий йўналишларини инсон ҳақ-ҳуқуқларини ва унинг фаровонлигини таъминлашга қаратишга таъкид қилинди. Фуқаролик жамияти қуриш шарт-шароитлари маҳаллий бошқарув ходимларининг янгича қарашларга эга бўлишини, замонавий бошқарув усулларини эгаллашни, ўзида Ватан олдидаги бурчи ва масъулиятини чуқур ҳис этишини таъкид қилинди.

Умуман, мавзунинг долзарблигини куйидаги ҳолатлар билан асослаш мумкин:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов томонидан мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий стратегик пировард мақсад сифатида асослаб берилиши;

иккинчидан, фуқаролик жамиятининг шаклланиб боришига мувофиқ равишда раҳбар кадрлар, жумладан, маҳаллий бошқарув ходимларига нисбатан қўйилган талабларнинг кучайиб бориши натижасида уларнинг жамият аъзолари олдидаги масъулиятини оширишга нисбатан заруриятнинг пайдо бўлганлиги;

учинчидан, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида ислохотларнинг таворо чуқурлашиб бориши натижасида маҳаллий бошқарув ходимларининг ваколатларининг ўзгариб бораётганлиги, фуқаролик жамияти шароитида бошқарув функцияларини асосан инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашга, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратиш заруриятининг пайдо бўлганлиги;

тўртинчидан, мамлакатда маҳаллий бошқарув жараёнларида фуқаролик жамияти институтлари – сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг муттасил равишда ошииб бориши натижасида бошқарувнинг мазмун-моҳияти ва усулларининг ўзгариб бориши;

бешинчидан, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнларининг чуқурлашиб боришига мувофиқ тарзда марказий давлат ҳокимияти ваколатларининг бир қисмини маҳаллий бошқарув органларига бериш натижасида пайдо бўладиган муаммоларнинг ечимларини топишга зарурият пайдо бўлиши;

олтинчидан, фуқаролик жамияти қуриш шароитида маҳаллий бошқарув ходимларининг фуқаролар олдидаги масъулияти ва бурчининг кескин даражада ошииб бориши натижасида ҳокимият органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга нисбатан эҳтиёжларнинг пайдо бўлганлиги;

³Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.:«Ўзбекистон», 2002. -Б.23.

еттинчидаан, фукаролик жамияти куриш шарт-шароитларидан келиб чикиб маҳаллий бошқарув органларини институ глашиш жараёнини такомиллаштириш, туман ва шаҳарлардаги бошқарув органлари тизимига ўзини ўзи бошқариш тамойиллари ва демократик кадриятларни жорий этиш заруриятининг пайдо бўлганлиги;

саққизинчидан, мамлакатда ҳали сиёсий фанлар нуктаи назаридан фукаролик жамиятини куриш жараёнларида маҳаллий бошқарув ходимларининг масъулиятини ошириш омилларини ўрганишга доир тадқиқот ишларини етарли амалга оширилмаганлиги.

Ҳозирги даврда фукаролик жамиятини куришда маҳаллий бошқарув тизими ходимлари масъулиятини ошириш омилларини аниқлаш, уларни шакллантиришдаги муаммолар ечимларини шакллантиришга доир тадқиқотлар олиб боришнинг долзарблигини эътиборга олиш асосида “Ўзбекистонда фукаролик жамиятини куришда маҳаллий бошқарув ходимларининг масъулиятини ошириш омиллари”га доир мавзу танланди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда фукаролик жамиятини шакллантириш муаммолари, уни куришда давлат ҳокимияти органларининг ўрни, хусусан фукаролик жамияти куришда маҳаллий бошқарув органлари ходимларининг масъулиятини ошириш омилларининг баъзи жиҳатлари Джин Л.Коэн⁴, Эндрю Арато⁵, Гиллермо О’Доннел, Филип Шмиттер⁶, Юрген Хабермас⁶, Толкотт Парсонс⁷, Роберт Патнэм⁸, Роберт Даль⁹, Херфрид Мюнклер¹⁰, Ванфред Деттлинг¹¹ Беньжамин Барбер¹² каби фарб олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдек, фукаролик жамиятини куришда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш масалалари Р.Фалмер, Г.В.Барабашев, В.И.Васильев, Н.А.Емельянов, Л.А.Калиниченко, В.С.Нечипоренко, В.Л.Ясюнас каби МДХ мамлакатлари олимлари томонидан ҳам ўрганилган¹³.

⁴ Коэн Д. Л. Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. Пер с англ. - М. Весь мир, 2003.

⁵ O’Donnell Guillermo, Schmitter Philippe. Transitions from Authoritarian Rule. - Baltimore: Johns Hopkins. 1986; О’Доннел Г. Делегативная демократия. - Пределы власти, 1994, №1, Шмиттер Ф. Размышления о гражданском обществе и консолидации демократии. - Подч. №5, 1996.

⁶ Habermas Jurgen. The Strictrnal Transformation of the Public Sphere. - Cambridge MIT Press. 1989.

⁷ Parsons Talcott. The System of Modern Societies. Englewood Cliffs, NJ: Prentice-Hall, 1971; Full Citizenship for the Negro American. Politics and Social Structure. - New York: Free Press. 1969; The Structure of Social Action. Vol. II. New York - London. 1968; Парсонс Т. Понятие общества: компоненты и их взаимоотношения // Thesis, 1993. Т. I. Вып. 2.

⁸ Патнэм Р. Чтобы демократия сработала: Гражданские традиции в современной Италии. - М., 1996

⁹ Даль Р. О демократии. - М.: АСИТЕКТ ПРЕСС, 2000.

¹⁰ Munkler H. Der kompetente Burger (S.153-172) In: Ansgar Klein, Rainer Schmalz-Bruns (Hrsg.) Politische Beteiligung und Burgerengagement in Deutschland. Moglichkeiten und Grenzen Bonn. 1997.

¹¹ Dettling W. The “Burgergesellschaft”: Scope for Reforming the Welfare State? (Josef Janning, Charles Kupchan, Dirk Rumberg (eds) Civic Engagement in the Atlantic Community. Bertelsmann Foundation Publishes Gutersloh, 1999.

¹² Beniamin R. Barber. Civil Society: Getting Beyond the Rhetoric. A Framework for Political Understanding (Josef Janning, Charles Kupchan, Dirk Rumberg (eds) Civic Engagement in the Atlantic Community. Bertelsmann Foundation Publishes Gutersloh, 1999

¹³ Фалмер Р. М. Энциклопедия современного управления. Т.5 // Общ ред. Х.А. Бекова, Н.П. Володиной. - М., 1992.; Барабашев Г.В. Местное самоуправление. - М. Издательство МГУ, 1996.; Васильев В.И. Местное самоуправление. Уч. и науч. прак. пособие. - М. Юриформцентр, 1999., Емельянов Н.А. Местное самоуправление. Проблемы. Поиск. Решения. - М., 1997.; Калиниченко Л.А. Муниципальное управление: организационные основы. - М., 2001.. Нечипоренко В.С. Муниципальное управление: правовые основы

Фукаролик жамияти куриш институтлари, маҳаллий бошқарув тизими, фукароликнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг турли жиҳатлари ижтимоий-бошқарув, фалсафа, ҳуқуқ, сиёсатшунослик ва сиёсий социология фанлари нуқтаи назаридан республикаимиз олимлари томонидан ҳам муайян даражада ўрганилмоқда. Хусусан, Абулқосимов Х.П., Бегматов А.С., Жумаев Р.З., Жўраев Н.К., Жўраев С., Жўраев Т.А., Қирғизбоев М., Комилов Н., Куронбоев К., Куронов М., Назаров К.Н., Пахрутдинов Ш.И., Д.Рахимова, Саифназаров И.С., Холбеков А.Ж., О.Хусанов, И.Эргашев, Б.Мирбобоев¹⁴ каби олимлар асарларида фукаролик жамияти куриш муаммолари билан боғлиқ ҳолда маҳаллий бошқарув тизимини номарказлаштириш ҳамда бошқарув ходимлари маънавиятини юксалтиришга доир тадқиқотлар амалга оширилган.

Хусусан, сиёсатшунос олим М.Қирғизбоевнинг докторлик диссертациясида Ўзбекистонда фукаролик жамияти институтларининг шаклланиши муаммолари жаҳон тажрибаси билан киёсий ҳолда тадқиқ этилган¹⁵. Сиёсатшунос М.Тўрақуловнинг номзодлик диссертациясида Ўзбекистонда фукаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг ўрнига доир муаммолар ўрганилган¹⁶.

Раҳбар ва бошқарув кадрлари масъулиятининг баъзи жиҳатлари ғоявий-мафкуравий ва назарий-фалсафий нуқтаи назардан “Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти” китобида муайян тарзда тадқиқ этилган¹⁷. Лекин, бу китобда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими раҳбар кадрларини шакллантириш эмас, балки, умуман бошқарув соҳасидаги бошқарув кадрлар масъулиятининг ғоявий-мафкуравий хусусиятлари тадқиқ этилган. Бу ишда давлат ва маҳаллий бошқарувнинг ғоявий-сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий жиҳатлари, шунингдек бу соҳадаги хорижий тажрибалар таҳлил этилган.

А.Бегматов, К.Алиева, Б.Абдушукуров, М.Куронов каби олимлар томонидан давлат бошқарув ходимларининг масъулиятини оширишда янгича

муниципальной службы. - М.: 2001. Яснонас В Л Основы местного самоуправления. Уч. пособие. - М. Ось - 89. 1998.

¹⁴ Абулқосимов Х., Рахимова Д. Раҳбар – инсон ва бошқарувчи // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2003. -№ 4. -Б. 27-29.; Қирғизбоев М. Фукаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. -Т.:«Шарк», 1998. -160 б.; Қирғизбоев М. Фукаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. -Т.: «Янги аср авлоди», 2006. -204 б.; Қирғизбоев М.Фукаролик жамияти институтлари. -Т.:«Akademiya», 2006. -128 б.; Назаров К., Эргашев И. ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. -Т.:Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат шаъриёти. 2007. -776 б.; Пахрутдинов Ш. «Таҳлилбардошлик» – ҳозирги замон жамиятининг муҳим шарты // Фукаролик жамияти. -Тошкент, 2007. -№2.-Б.32.; Пахрутдинов Ш., Жўраев Т. ва бошқалар. Миллий мафкуралар ва бошқарув масъулияти. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашрият матбаа-нashоий уйи, 2008. -456 б.; Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. -Т.: «Akademiya», 2002. -112 б.; Рахимова Д., Абулқосимов Х., Абдурахмонов О. Бошқарув тизими ва раҳбар. -Т.:«Akademiya», 2004. -83 б.; Холбеков А. Касбларнинг касби ёхуд раҳбар кадрларни ўқитиш ва касбий маҳоратини ошириш муаммолари // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2006. -№ 2. -Б.19-20.; Хусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. -Т.:«Шарк», 1996. -160 б.; Мирбобоев Б., Хусанов О.Г., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. -Т.: «Akademiya», 2005. -144 б.

¹⁵ Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фукаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: ДЖКА, 2007. -342 б.

¹⁶ Тўрақулов М. Ўзбекистонда фукаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация авторреферати. -Т.:ДЖКА, 2006. -26 б.

¹⁷ Назаров К., Эргашев И. ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2007. -776 б.

тафаккурни шакллантириш, раҳбар кадрларнинг бошқарув жабҳасидаги касбий фаолиятини оширишга доир тадқиқот амалга оширилган¹⁸.

Сиёсатшунос Ш.Пахрутдинов ва социолог А.Холбековларнинг тадқиқотларида¹⁹ эса жамиятнинг таҳдидбардошчилиги, раҳбар кадрларнинг масъулиятини оширишнинг баъзи жиҳатлари, шунингдек, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга доир илмий таҳлиллар амалга оширилган.

Ҳуқуқшунос олимлар А.Рахмонов, О.Хусанов, Б.Мирбобоевларнинг асарларида давлат ва маҳаллий бошқарув кадрларининг ваколатлари ва ҳуқуқий мақомларига доир тадқиқотлар олиб борилган²⁰.

Шунингдек, миллий бошқарув тарихи ва миллий анъаналари, давлат ва маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат хизматини ташкил этиш, раҳбар кадрлар тайёрлаш, бошқарув ходимлари касбий маҳоратини ошириш масалаларига оид қатор тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Бу йўналишда, хусусан, сиёсатшунос олимлардан Ф.Равианов, Қ.Қуранбоев, Ҳ.Аҳмедов кабиларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин²¹.

Лекин, шунга қарамай, мавзуга яқин бўлган барча тадқиқот ишларини ўрганиш шунга кўрсатадики, мамлакатда фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий бошқарув ходимларининг масъулиятини ошириш омили ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар мустақил ва яхлит тадқиқот иши сифатида етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли ҳам ҳозирги даврда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида олиб борилаётган ислохотлар даврида маҳаллий бошқарув органлари ходимларининг масъулиятини ошириш, уларнинг демократик кадрлар асосида бошқарув фаолияти олиб боришларини таъминлашга доир муаммоларни тадқиқ этиш сиёсий фанларнинг бу йўналишидаги назарий жиҳатларини бойитишга хизмат қилиши эътиборга олинди.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий-тадқиқот йўналишига мувофиқ бўлиб, мавзу мазкур институтнинг илмий тадқиқотлар олиб бориш режасига (2002 йил) киритилган.

¹⁸ Бегматов А., Алиева К., Абдушукуров Б. Раҳбар ва янги тафаккур. -Т.: «Akademiyа», 2005. -65 б.; Комилов Н., Бегматов А., Қуронов М. Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг технологик тизими. Раҳбар ва ходим (тўғлам). -Т.: «Akademiyа», 1998. -172 б.

¹⁹ Пахрутдинов Ш. «Таҳдидбардошлик» – ҳозирги замон жамиятининг муҳим шarti // Фуқаролик жамияти. -Тошкент, 2007. -№ 2. -Б.32.; Холбеков А. Касбларнинг касби ёхуд раҳбар кадрларни уқитиш ва касбий маҳоратини ошириш муаммолари // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2006. -№ 2. -Б.16-20.

²⁰ Мирбобоев Ё., Хусанов О.Т., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг тапқилий-ҳуқуқий масалалари. -Т.:«Akademiyа», 2005. -144 б.; Рахмонов А. Давлат қурилиши ва бошқаруви. -Т.: Ғ.Ғулом номдаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2007. -575 б.; Хусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. -Т.: «Шарқ», 1996. -160 б.

²¹ Равианов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. -Т.:«Akademiyа», 2007. -262 б.; Қуранбоев Қ. Давлат бошқарув кадрлари тизими: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари (Сиёсий-ижтимоий жиҳатлари). Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: ДЖҚА, 2008. -250 б.; Аҳмедов Ҳ. Ислам Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-сиёсий масалалари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: ДЖҚА, 2008. -135 б.

Таджикотнинг мақсади. Ишнинг мақсади фуқаролик жамиятини қуришда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш омилларини тадқиқ этиш ва бу соҳадаги муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этишга доир илмий изланишларни амалга ошириш.

Таджикот вазифалари. Таджикотнинг мақсадидан келиб чиқиб ишни бажариш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:

- фуқаролик жамияти ва маҳаллий бошқарувга доир тушунчаларни таҳлил этиш ва уларнинг илмий таджикот объекти сифатида ўрнини очиб бериш;

- фуқаролик жамиятини шакллантириш ва бу жараёнда маҳаллий бошқарув тизимини номарказлаштириш ҳамда бошқарув ходимлари масъулиятини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил этиш;

- жамиятни демократиялаштириш маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишнинг омили сифатидаги ўрнини тадқиқ этиш;

- маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишда демократик кадрлар ва тамойилларнинг ўрнини очиб бериш;

- маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишга доир ҳуқуқий асосларнинг такомиллаштириш жараёнини илмий жиҳатдан асослаш;

- маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини янада оширишнинг сиёсий ва демократик омилларини тадқиқ этиш;

- жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш шароитида маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишга доир муаммолар ва уларнинг ечимларини аниқлаш;

- фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини янада оширишнинг шароитлари ва омилларини, шунингдек, маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишнинг замонавий йўллари, восита ва имкониятларини аниқлаш, ўрганилган муаммоларнинг ечимларига доир ҳулосалар шакллантириш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Таджикот объекти. Ишнинг таджикот объектини фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари, маҳаллий бошқарув тизими ва бу соҳадаги бошқарув ходимлари масъулиятини оширишга доир назарияларнинг ривожланиши ва жаҳон тажрибаси, шунингдек, бу соҳада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар, бошқарув институтларини номарказлаштириш жараёнлари ташкил этади.

Таджикот предмети Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти қуриш ислохотлари, бу жараёнда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш амалиёти, унга таъсир этувчи омилларни шакллантиришга доир шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, бу йўналишда амалга оширилган ислохотларнинг натижаларини сиёсий фанлар нуктаи назаридан тадқиқ этишдан иборатдир.

Таджикот усуллари. Муаммони ўрганишда тизимлилик, тизимли-мақсадлилик, тарихийлик, шунингдек, киёсий-сиёсий, эмпирик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Ўзбекистон давлати фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислохотларини асосий стратегик пиривард мақсад сифатида амалга ошираётганлигини илмий жиҳатдан асослаш ва далиллаш;

- фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий бошқарув ходимларининг кенг иштироки ва муҳим ўрнини очиб бериш, шунингдек, бу соҳада давлатнинг бош ислохотчилик ўрнини асослаш;

- жамиятнинг демократлаштиришда маҳаллий бошқарув тизимини номарказлаштириш ходимлар масъуллигини оширишнинг ҳал қилувчи омили сифатидаги ўрнини очиб бериш;

- маҳаллий бошқарув тизими ходимлари масъуллигини оширишда турли ижтимоий-сиёсий институтларнинг ўрнини асослаш;

- фуқаролик жамияти шароитида маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг ролинини очиб бериш;

- маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятининг ошиб боришида сиёсий омиллар ва демократик кадрларнинг муҳим аҳамият касб этипини далиллаш;

- маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишда демократиянинг миллий хусусиятлари ва умумэтироф этилган тамойилларидан самарали фойдаланишнинг аҳамиятини очиб бериш;

- Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш шароитида маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятининг янада ошиб бориши миллий ғоянинг -- эркин шахс, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадига тўла мувофиқ келишини асослаш.

Тадқиқотнинг илмий гипотезаси. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятининг ошиб бориши объектив зарурий характер касб этиб, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштирокини сиёсий фанлар нуктаи назаридан таҳлил этиш муаммонинг илмий ечимини топишга хизмат қилади, бу соҳадаги назарий ишланмаларни бойитади. Шунингдек, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда маҳаллий бошқарув ходимларининг асосий бошқарув бўғини сифатидаги ўрнининг муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олишни тақозо этади.

Илмий янгилиги. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишга доир муаммоларнинг ечими, бу соҳада самарали натижаларга эришишга доир тадқиқотлар сиёсий фанлар нуктаи назаридан ўрганилаётганлиги ишнинг илмий янгилигини белгилаб беради. Шунингдек, ишнинг илмий янгилиги қуйидаги ҳолатлардан иборат:

- мамлакатда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида жамиятнинг демократлаштириш ислохотларининг миллий жиҳатларига доир тамойиллар ва умумэтироф этилган демократик кадрлар асосида ривожланиб бориши асослаб берилган;

- фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий бошқарув органлари ва уларнинг ходимлари масъуллигининг ошиб бориш заруряти, улар иш фаолиятининг мазмун-моҳиятини демократик кадрлар асосида ўзгартириб бориши, шунингдек, “бошқарув”, “маҳаллий бошқарув”, “маҳаллий бошқарув ходимлари” тушунчаларининг маъно-мазмунидagi янги ўзгаришлар очиб берилган;

- маҳаллий бошқарув ва унинг ходимларининг фуқаролик жамияти қуришда асосий ва муҳим ўрин тутиши асослаб берилган;

- маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини белгилловчи умумий мезонлар аниқланган. улар фаолияти билан боғлиқ функционал вазифалар аниқланган ва сиёсий таҳлил этилган;

- жамиятнинг демократиялашиши ва маҳаллий бошқарув органларининг номарказлашуви жараёнида миллий ғоя асосида кучли фуқаролик жамияти куриш ислоҳотлари – маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишнинг муҳим ва асосий шарти эканлиги асосланган;

- маҳаллий бошқарув тизимидаги ўзгаришлар, уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти фаолияти билан ўзаро муносабатининг асосий тамойиллари очиб берилган;

- маҳаллий бошқарув ходимлари масъулигини оширишда давлатнинг бош ислоҳотчилик ўрнини ошириш заруриятининг муҳим аҳамияти очиб берилган;

- маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини янада оширишга доир назарий хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятида маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш, маҳаллий бошқарувни янада такомиллаштиришда диссертация илмий хулосалари ва унда шакллантирилган таҳлиллар ва тактифлардан фойдаланиш имконияти мавжудлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, унда олинган илмий натижалардан маҳаллий бошқарув ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг масъулигини оширишга доир илмий-услубий ва ўқув ишларида, миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишини амалга оширишда Президент И.А.Каримовнинг янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини тайёрлаш, улар фаолиятида миллий ғоя, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун масъулият ҳиссини ошириш, давлат олдида турган вазифаларни тўлақонли бажариш раҳбар масъулиятига қўп жиҳатдан боғлиқлиги тўғрисидаги концептуал ғоялари тадқиқот ишининг назарий ва методологик асосларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни, республика, маҳаллий ҳокимият органларининг меъёрий ва бошқа ҳужжатлари диссертация ишининг ҳуқуқий манбаи бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, мавзуга доир илмий-амалий аниқланган материаллари ҳамда Ўзбекистонда маҳаллий бошқарувни такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳамда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш муаммоларига доир илмий асарлар ва даврий нашрлардаги мақолалардан муҳим манба сифатида фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Диссертациянинг илмий хулосалари, амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти

хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида “Раҳбар кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш” га доир малака курсларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан ҳамкорликда олиб борилган “Раҳбар кадрларда бошқарув маҳоратини оширишнинг замонавий услублари” ва “Бошқарувда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда давлат талабларини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асослари” дастурини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнда фойдаланилган.

Иш натижаларининг бир қисми Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Республикаси “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган раҳбар ходимлар малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинарларда фойдаланилган. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларидан Қарши давлат университети талабалари ўртасида олиб борилган ўқув маърузалари, семинарлари ва амалий машғулотларида фойдаланилган.

Тадқиқот ишининг синовдан ўтиши. Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида (2008 йил февраль)да, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида (2008 йил июнь)да, А.Қодирий номли Тошкент Маданият институтида (2008 йил сентябрь), шунингдек, Тошкент Молия институтида (2008 йил октябрь) бўлиб ўтган илмий-назарий семинарларда муҳокама қилинган.

Натижаларнинг эълон қилингани. Диссертацияда баён этилган илмий-назарий ҳулоса ва амалий тавсиялар муаллиф томонидан чоп этилган олтита илмий мақола, иккита рисола, битта ҳаммуаллифликда чоп этилган қўлланма ҳамда Навоий давлат педагогика институтида бўлиб ўтган илмий-назарий конференцияда қилган маърузасида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Қириш”, олти параграфни ўз ичига олган учта боб, “Ҳулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” дан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Қириш» қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, ҳимояга олиб чиқилган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, назарий методологик ҳамда эмпирик асослари, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтказилгани ва эълон қилингани, ишнинг ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий бошқарув ходимларининг ролини ўрганишнинг методологик жиҳатлари**” деб номланиб, унда мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш вазифаларини амалга оширишда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулияти, бошқарувда масъулиятни оширишнинг аҳамияти, илмий-назарий асослари, масъулиятнинг ижтимоий аҳамияти масалаларига эътибор қаратилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи **“Фукаролик жамияти ва маҳаллий бошқарувга доир тушунчалар илмий тадқиқот объекти сифатида”** деб номланиб, унда бу тушунчаларнинг маъно-мазмунни, ўзаро алоқадорлиги, умумий ва ўзига хос жиҳатлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тугган ўрни кучли фукаролик жамияти куриш жараёنлари билан боғлиқ ҳолда сиёсий фанлар нуктаи назаридан таҳлил этилган.

Тадқиқотда “бошқарув” тушунчасига жамият ва давлат курилиши нуктаи назаридан ёндашилган ва бу “давлат бошқаруви”, “давлат бошқарув тизими”, “жамият бошқаруви”, “жамият бошқаруви тизим”»ни тартибга солиш ва йўналтириш, уни мувофиқлаштириш жараёнида муайян объектга мақсадли таъсир кўрсатишни билдириши таъкидланган²².

“Бошқарув” тушунчасига худудий нуктаи назардан ёндашганда “маҳаллий бошқарув” тушунчаси орқали ҳам ифода этилади. Маҳаллий бошқарув бошқарувни вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фукаролар йиғинлари томонидан амалга оширилади²³.

Ишда “бошқарув ходимлари” деганда, раҳбар кадрлар, бошқарувни амалга оширадиган, уларга кўмак ва ёрдам берадиган масъул шахслар назарда тутилган ҳолда. “маҳаллий бошқарув ходимлари” тушунчасига кенгрок маънода ёндашилади, яъни маҳаллий бошқарув ходимлари – вилоят, туман, шаҳар ҳамда фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида давлат ва жамият курилиши ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик тузилмаларда ўзининг ваколати билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишда, бошқарувни ташкил этиш, тартибга солиш, ўзаро мувофиқлаштиришда ўзига хос ўринга, мавқе ва масъулиятга эга бўлган ходимлар тушунилади.

Бу ўринда маҳаллий бошқарув фаолиятида ходимлар масъулиятининг ўрни ва аҳамиятини аниқлашда масъулиятнинг ижтимоий ҳодиса ва ижтимоий-сиёсий категория сифатидаги муҳим назарий-методологик жиҳатларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, “масъулият” тушунчаси фалсафий, ахлокий, психологик, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мураккаб боғлиқлигидан иборат бўлиб, инсон ва ижтимоий борлик моҳиятининг мураккаблиги ва ранг-баранглиги билан белгиланади. Мазкур тушунчага фалсафий нуктаи назардан ёндашганда, тизимнинг ҳар бир унсури ўртасида катъий белгиланган ўзаро алоқалар ва ўзаро таъсирлар мавжудлигини кўриш мумкин. “Масъулият”нинг мазмунни мазкур ўзаро алоқалар ўртасида мувозанат ўрнатишдан иборат бўлиб, бу пировард натижада куч ва йўналиш жиҳатидан турли ҳаракатларни яхлит тузила манфаатларида мувофиқлаштириш имконини беради. Демак,

²² Қирани: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жид. -Т.: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2001. –Б. -185.

²³ Қирани: Ўзбекистонда миллий давлатчилик назариясининг тарихий-фалсафий ва ҳуқуқий асослари. Масъул муҳаррир Рузиев Р. -Т.: ЎзР Ф. А. И.М.Муъинов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005. -Б.128-129.

“масъулият” бошқарув тизимларининг ташкил топиш ва амал қилиш жараёнини тартибга солувчи омил вазифасини бажаради²⁴.

Ишда мазкур тушунчанинг ижтимоий-сиёсий категория сифатида жамиятдаги ўзгаришларга ўта таъсирчанлиги хусусиятига алоҳида эътибор қаратилади. Масъулият, ижтимоий маънода, жамият ва давлат муносабатлари амалиётида фалсафий-ахлоқий нуктаи назардан антик даврдаёқ Платон томонидан таҳлил қилинган ва “адолат” тушунчаси билан боғланган: “...адолатсизлик, агар у аниқланса, жазоланади ва шармандаи шармисорлик пардаси билан копланadi”²⁵.

Мустақиллик шароитида жамият ҳаётидаги масъулият муаммоларини тадқиқ этишнинг фалсафа, сиёсатшунослик фанида ишлаб чиқилган методологик асос сифатида шуни қайд этиш лозимки, масъулият ижтимоий-фалсафий, сиёсий категория сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар орасида мазкур тушунчанинг инсон фаолияти жабҳалари ҳамда ижтимоий ва индивидуал онгнинг барча шаклларида уйғун ўрин олганлигини белгиловчи хусусият, айниқса, муҳимдир²⁶.

Биринчи бобнинг “Фукаролик жамиятини қуриш ва маҳаллий бошқарув тизимини номарказлаштиришда ходимлар масъулиятини ошириш масалалари” деб номланган параграфида маҳаллий бошқарув давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини жойларда амалга оширишни, шунингдек, давлат ва фукаролик жамиятининг ўзаро алоқасини таъминлашнинг ўзига хос институти сифатида тадқиқ этилади.

Таникли олим М.А.Катричнинг “Мамлакатнинг ҳозирги куни ва келажаги давлат ҳокимияти органлари ва аҳоли ҳамкорлигининг самарали шакллариининг тўғри танланишига боғлиқ бўлади, чунки жамият ҳаётидаги тангликларни бартараф этиш, шунингдек, унинг ривожланиши учун кўшимча туртки беришга қодир имконият айнан муайян ҳудуд учун муҳим муаммоларни ечишда фукароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигига таянувчи маҳаллий ўзини ўзи бошқарув замирида яшириниб ётади”²⁷, деган фикрига қўшилиш мумкин. Шунингдек, сиёсатшунос олим М.Қирғизбоев фикрича: “Фукароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштироки муҳим демократик қадриятлар сифатида ҳар қандай мамлакатда ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари воситасида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг демократлашуви ва ҳуқуқий давлат мақомига эришуви кўп жиҳатдан фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишларида нечоғлиқ кенг иштирок этишларига боғлиқдир”²⁸.

Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз аъёналари ва қадриятларига хос усули – маҳаллалар тизими сўнгги йилларда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Маҳалла бундан анча йиллар бурун, ҳали тафаккуримизда “фукаролик жамияти”, “демократик ҳуқуқий давлат” тушунчалари пайдо бўлмастан аввал, кишиларнинг

²⁴ Қаранг: Шермухаммедов С. Биз қандай жамият қурмоқдамиз? –Т.: «Ўзбекистон», 1999. –Б.40

²⁵ Платон. Диалог. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2001. – Б. 57.

²⁶ Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. –Т.: «Шарк», 1998. –Б.144

²⁷ Қаранг Катрич М.А. Правовое государство и гражданское общество как неотъемлемые атрибуты взаимодействия власти и населения// Государственное и муниципальное управление. Учен. записки СКАГС №1.2003. –С. 102

²⁸ Қирғизбоев М. Фукаролик жамияти институллари. Ўқув қўлланма. –Т.: «Академия», 2006. –Б. 90-91.

Ўз кундалик ҳаётини ташкил этиш шакли, ўзлигини ифодалаш, яхши яшашга интилиш воситаси сифатида вужудга келган. Президент И.А.Каримов фикрича: “Энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин”²⁹, “маҳалла – ҳам ота, ҳам она”дир³⁰. Бу ҳикматли иборалар жамият ҳаётининг мазмунини белгиловчи тушунчалар сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда 10124 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла, овул, кишлоқ, шаҳарча фуқаролар йиғинлари фаолият юритаётган бўлса, шундан 8535 тасини маҳалла фуқаролар йиғини ташкил қилади³¹.

Ишда фуқаролик жамияти ва ҳукукий давлатга хос бўлган маҳаллий бошқарув ходимлари масъулияти намоён бўлишининг муҳим аҳамияти унинг қуйидаги функцияларни бажариши билан узвий боғлиқдир:

биринчидан, маҳаллий бошқарув ходимлари жамиятдаги турли нодавлат ташкилотлар, турли ижтимоий катлам ва гуруҳлари вакиллари билан муносабатда бўлади;

иккинчидан, маҳаллий бошқарув ходимлари умумдавлат аҳамиятига молик кўпгина функцияларни бажаради;

учинчидан, маҳаллий бошқарув ходимлари пировард натижада марказий давлат ҳокимияти органлари билан алоқада фаолият олиб боради;

Ишдаги таҳлилларда маҳаллий бошқарувга уч нуктаи назардан - маҳаллий бошқарув органлари ваколатлари ва функцияларининг бажарилишини таъминловчи профессионал бошқарув фаолияти сифатида; бошқаришнинг ҳукукий институти сифатида; ижтимоий институт сифатида ёндашилди.

Маҳаллий бошқарув ходимлари масъулияти – маҳаллий хизматчи макомининг муҳим кўрсаткичи, ўз навбатида, маҳаллий бошқарув хизматчисининг давлат ва жамиятдаги ўрни ҳамда ролини тавсифлайди, ходимнинг давлат ва жамият билан ўзаро муносабатларини белгилайди. Ҳозирги давр маҳаллий бошқарув ходими бошқарув фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатлардан унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, масъулиятининг аниқ ва тўлиқ белгиланиши билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш уларда хизмат хулқ-атвори ва фаолияти натижалари ҳақида ўз виждони, фуқаролар, давлат ва жамият олдида онгли равишда ихтиёрий масъуллик фазилатини шакллантиришни рағбатлантириш шарт-шароитларини ва кенг имкониятларни яратишга боғлиқдир³².

Раҳбарнинг масъулияти фақат унинг олдида қўйилган талаблар билан эмас, балки бутун жамоанинг олдида қўйилаётган талабларни англаши, фақат ўзининг эмас, балки бутун жамоа имкониятларини ҳисобга олиши ва жамоа фаолияти оқибатлари учун масъулиятни ўз зиммасига ола билишида намоён бўлади³³. Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов ҳуқуқ билан масъулият ўзаро

²⁹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1996. -Б.281.

³⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008. –Б. 59.

³¹ Маҳалла – кўп асрлик тарихга эга бўлган беккас ижтимоий институт // Халқ сўзи, 2009 йил 14 март.

³² Қаранг: Раҳманов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. -Т.: «Akademiya», 2007. -Б.138.

³³ Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизмати ташкил этишнинг тапқилий ҳуқуқий масалалари. -Т.: «Akademiya», 2005. –Б.114.

нисбатини куйидагича баҳолайди: “раҳбарликни зиммасига олган шахсга кўп ҳуқуқ берилган, лекин унинг масъулияти ҳам каттадир”³⁴.

Бошқарув ходимлари масъулиятини оширишга доир муаммоларни ўрганиш ижтимоий жараёнларни бошқаришда, умуммиллий бошқарув тизимини такомиллаштиришда уларни эркинлаштириш ва номарказлаштиришнинг муҳим аҳамият касб этишини исботлайди. Чунки, бошқарув ходимига мустақиллик ҳуқуқи берилганидагина унда масъуллик фазилатлари ошиб боради.

Ишнинг иккинчи боби “**Фуқаролик жамияти шароитида маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш зарурияти**” деб номланиб, унда фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини белгиловчи умумий мезонлари аникланади, улар фаолиятини белгиловчи функционал вазифалар таҳлил этилади.

Иккинчи бобнинг “**Жамиятни демократлаштириш маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш омили сифатида**” деб номланган биринчи параграфиди жамиятнинг демократиялашиши, кучли фуқаролик жамияти қуриш – маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишнинг муҳим шarti эканлиги асослаб берилган.

Ишдаги таҳлилларда маҳаллий бошқарув жамиятнинг муҳим субъекти сифатида ундаги ўзаро бошқарув муносабатлари бошқарилувчи объектлар билан ўзаро ташқилий тизилмалар воситасида тартибга солинмаган бўлса, маҳаллий бошқарув тизимининг барча унсурларининг ўзаро алоқаси изчил йўлга қўйилмаган бўлса, бошқарувнинг самарадорлигини юқори даражадага кўтариб бўлмаслиги аникланди. Бошқарув самарадорлигини ошириш учун бошқарув тизимининг турли унсурлари ва таркибий қисмларига таъсир кўрсатувчи тизилмаларни фаоллаштирувчи алоҳида механизмлар яратиш талаб этилади. Бу соҳада самарадорликка эришишнинг муҳим омилларидан бири – бошқарув тизимини эркинлаштириш ва номарказлаштиришдир.

Маҳаллий бошқарув бевосита мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари билан узвий равишда боғлиқ бўлиб, турли нодавлат тошкilotлар билан ўзаро муносабатлар натижасида жамият ҳаёти мувофиқлашиб боради. Маҳаллий бошқарув тизимини такомиллашгириш фуқаролик жамияти қуриш ва унинг ижтимоий жараёнларини тартибга солишда муҳим омилга айланади. Шунинг учун ҳам маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш мамлакатда демократик ўзгаришлар – фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришдаги муҳим омил ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов давлат олдида турган муҳим вазифаларни тўлақонли бажарилишининг кафолати сифатида, биринчидан, ҳар бир раҳбарнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартиришни, унинг шахсий жавобгарлигини оширишни, иккинчидан, унинг тегишли билим, тажриба, юқори малакага эга бўлишини талаб қилади: “Бу икки талабдан биринчисига, яъни, масъулият масаласига кўпроқ эътибор бераман. Майли, раҳбарнинг билимини етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди”³⁵.

³⁴ Каримов И. А. Биздан овоз ва обод Ваган қолсин. 2-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1996. -Б.69.

³⁵ Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар

Маҳаллий бошқарув ходимларининг маҳалла ва бошка жойларда аҳоли билан беvosита мулоқотда бўлиши эътиборга олинса, уларнинг воқеалар марказида турувчи ва аҳолини сиёсий ва ижтимоий жараёнларда фаол иштирокини таъминловчи восита эканлиги маълум бўлади. Шунингдек, фуқаролик жамиятида маҳаллий бошқарув тизими бошқаришнинг асосий ташкилий унсур хисобланади: Давлат бошқарувининг ягона тизимида маҳаллий бошқарувнинг алоҳида мавқеи, шунингдек, жамият ва давлат институтлари ўзаро муносабатлари тизимида ўзига хос воситачи сифатида ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу эса маҳаллий бошқарувнинг жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни амалга оширишнинг энг асосий бугини вазифасини бажаришини белгилаб беради.

Ишда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишда улар дунёқарашига маънавий-руҳий ва ахлоқий фазилатларни сингдириш маҳаллий бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг омили сифатида таҳлил қилинди. Маълумки, ҳозирги даврдаги маҳаллий бошқарув вазибаларининг мураккаблашиб бораётганлиги туфайли одамларнинг ҳаёт фаолиятларига, ижтимоий муҳитни шакллантиришга масъулият билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Шунингдек, фуқаролик жамияти қуриш амалиёти маҳаллий бошқарув ходимларига нисбатан нафақат касб-малакавий нуктаи назаридан, балки ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий нуктаи назардан ҳам юксак талаблар қўяди. Зеро, “хар қандай давлатнинг фуқаролар олдидagi обрў-эътибори кўп жихатдан давлат хизматчиларининг касб маҳорати ва ахлоқий кифасига боғлиқ” дир³⁶. И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Инсон ахлоқи шунчаки саломалик, ҳушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ – бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси. Иймон, ҳалоллик дегани”³⁷ дир.

Ишдаги таҳлиллардан қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

биринчидан, фуқаролик жамияти “тоғалитар тузум”дан тубдан фарқ қиладиган ижтимоий макон бўлгани учун ҳам ундаги бошқарув тизими ва бошқарув ходимлари масъулияти кескин ортиб боради, шунингдек, бу жараён ўзига хос заруриятга айланади;

иккинчидан, жамиятни демократлаштириш маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишнинг заруриятини ҳаёт кун тартибига қўяди ҳамда унинг асосий ва муҳим омилларидан бирига айланади. Демократик асосда бошқарувнинг амалга ошиши жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий негизларини тубдан ўзгартириб, ходимлардан янгича фикрлаш ва тафаккурлаш масъулиятини талаб этади;

учинчидан, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятиги ошиб боради. Бу нафақат мамлакат, балки дунё миқёсида фуқаролик жамияти қуриш қонуниятлари билан боғлиқ ҳолда кечиб, давлат бошқарувида маҳаллий бошқарув органлари ролининг ошиб бориши билан боғлиқ жараён сифатида намоён бўлади.

Иккинчи бобнинг “Маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини

Билан қуриб бўлмайд. 13-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 2005. -Б. 229.

³⁶ Қарант: Бегматов А. Давлат хизмати одоби // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2004. -№ 3. –Б.8.

³⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. -Б.57.

оширишда демократик кадриятлар ва тамойилларнинг ўрни” деб номланган параграфи маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини белгиловчи янгича мезонлар ва тамойилларни аниқлаш, улар фаолиятини белгиловчи функционал вазифаларни таҳлил этишга бағишланган.

Ишда жамият ҳаётининг демократиялашиши, кучли фукаролик жамиятига ўтиш вазифалари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтлари ролининг ошиб бориши натижасида ходимлар масъулиятини белгилаб берувчи шарт-шароитлар, мезон ва тамойилларнинг тубдан ўзгаришига зарурият пайдо бўлганлиги таҳлил этилади. Маҳаллий бошқарув тизимида ходимлар масъулияти мезонлари ва тамойиллари мансабдор шахсларнинг бошқарув фаолиятига баҳо беришда, уларнинг ўзига топширилган ишга нисбатан муносабатини тавсифлашда кенг қўлланилади.

Ишда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини белгилаб берувчи мезонлар сифатида қуйидагилар аниқланади: 1) маҳаллий бошқарув ходимларининг давлат ва жамият тизимидаги ўрни ҳамда ижтимоий мавқеини аниқ тасаввур қилиш; 2) бошқарув ходимларини ўз фаолиятини давлат ва маҳаллий бошқарув органлари функцияларини амалга ошириш вазифаларига тўла бўйсундириш мажбуриятини ихтиёрий ва онгли равишда ўз зиммасига олиши; 3) фукаролик жамияти қурнишда давлат ва жамият манфаатлари ҳамда қабул қилинган ижтимоий талаб ва меъёрларга мувофиқ бошқарув фаолияти юритиш лозимлигини тўла англаб етиш; 4) ўзи амалга оширадиган бошқарув фаолияти ва ҳаракат натижаларининг ижтимоий оқибатларини олдиндан кўра билиш; 5) қонун устуворлигига амал қилишда мумкин қадар ўзини ўзи қонунга иттиқорлик масъулиятини шакллантириш, ўз бошқарув фаолиятига нисбатан танқидий ёндашиш ва мутгасил равишда ўзини ўзи назорат қилиш; 6) ўзининг гайриқонуний ҳаракатлари учун ўз виждони олдида айбдорлик ҳиссини сезиш қобилиятини шакллантириши; 7) маҳаллий бошқарувнинг мустақиллик дарида фукаролик жамияти қуриш ислохотлари билан боғлиқ ҳолда янгича мезон ва тамойилларга асосланишини, унинг афзаллик томонларини миллий тараққиёт ҳамда инсон эркинлиги ва манфаатлари билан боғлиқ ҳолда англай олиш; 8) мустақил Ўзбекистоннинг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун ўз масъулиятини ҳис этиш; 9) мустақиллик тафаккури ва миллий ғояни ўз дунёқарашига сингдириш, янгича онг, фикрлаш тамойилларига асосланган ҳолда хизмат вазифасини бажариш; 10) ўз бошқарув фаолиятини инсонга, унинг фаровонлиги ва эркинлигига қаратиш, унинг кадр-қиммати, ҳаёти ва шаънини олий кадрият, деб эътироф этиш, унга зид ҳолатларга муросасиз бўлиш; 12) лоқайдлик, бефарқлик, ижтимоий боқимандалик ҳолатларидан ҳоли бўлиш.

Ишда маҳаллий маҳаллий бошқарувга доир қонунчилик асосларидан келиб чиқиб, унинг маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишга таъсир кўрсатувчи қуйидаги жиҳатлари таҳлил этилди: 1) қонунийлик; 2) фукароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; 3) маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик; 4) маҳаллий бошқарув ходимининг касбий маҳорати ва компетентлиги; 5) маҳаллий бошқарув ходими ўз хизмат вазифасини талаблар даражасида бажармаганлиги учун жавобгарликни ҳис этиши; 6) бошқарувга доир турли талаблар ва меъёрлар бирлиги; 7) маҳаллий бошқарув

ҳодимини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш; 8) маҳаллий бошқарувнинг партияга мансублик ва ягона мафқурадан ҳолилиги; 9) ошқоралик тамойилларига амал қилиши.

Ишнинг учинчи боби “Ўзбекистонда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишнинг ҳуқуқий ва сиёсий асосларининг ривожланиш жараёни” деб номланиб, унда фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш омиллари, имкониятлари аниқланган ва масъулиятни янада ошириш муаммоларининг ечими тўғрисида хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Учинчи бобнинг “Маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишга доир ҳуқуқий асосларнинг такомилланиш жараёни” деб номланган биринчи параграфда жамият қуришга доир ислохотларда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилга амал қилишда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини янада оширишга бўлган заруриятнинг ортиб бориши жараёни таҳлил этилади. Шунингдек, маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш зарурияти фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятдаги бошқарув муносабатларида уларнинг роли ошиб бораётганлиги билан боғлиқ ҳолда кечаётганлиги таҳлил этилади.

Мамлакатимизни демократик янгилаш вазибаларини амалга ошириш аҳоли тури катлам ва гуруҳларининг тўб манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат тузилмалар ролинини кучайтириш нафақат маҳаллий бошқарув, балки давлат бошқаруви идоралари фаолияти устидан ҳам назоратни амалга оширишда ҳамда ходимларнинг демократик ўзгаришлар ва жамиятни эркинлаштиришдаги фаол иштирокини таъминлаш борасидаги масъулиятини оширишда муҳим ўрин тутади.

Маҳаллий бошқарув ходимларининг масъулиятини ошириш институтлари хилма-хил бўлиб, улар, биринчидан, давлат ҳокимияти органлари билан боғлиқ институтларни; иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти институтларини; учинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтларини; тўртинчидан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун мамлакатда 5 мингдан ортиқ нодавлат ноижора ташкилотлари, 870 дан зиёд газета ва журнал, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостудиялари фаолият кўрсатаётгани диққатга сазовордир³⁸.

Ишда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишда демократик муқобиллик ҳам муҳим роль ўйнаётгани алоҳида таъкидланади. Давлат ва жамият бошқарувида халқ вакиллик органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловларнинг муқобиллик асосида ўтказилаётганлиги сабабли ҳам маҳаллий бошқарув муҳим демократик негизга эга эканлиги очиб берилди.

Ишда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш механизми сифатида қуйидагилар кўрсатилади: 1) маҳаллий бошқарув ходимининг ҳуқуқ ва бурчлари доирасини аниқ ҳамда қонунийлик тарзида белгилаш; 2) бошқарув

³⁸Қаранг: Қаримов Н.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йуллари. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йули. 16-жид. -Т.: «Ўзбекистон», 2008. -Б. 42-43.

ходимнинг салбий хатти-харакатига қараб жазо турлари ва чораларини белгилаш; 3) ходимлар меҳнатининг сифатини адолатли баҳолаш мезонларини шакллантириш, бошқарув фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Шунингдек, ишда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш жараёнини институтлаштиришнинг қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқлиги кўрсатилади: 1) маҳаллий бошқарув ходими ўз мансаб ваколатларини қонулар ва маънавий қадриятлар талабларига мувофиқ ҳолда бажариши; 2) бошқарув жараёнида ижобий натижаларга эришишга ходимларни адолатли рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш; 3) маҳаллий бошқарув ходимларининг мансабдорлик фаолиятидаги хулқ-атвори устидан жамоатчилик назорати олиб бориш қоидаларини ишлаб чиқиш; 4) давлат бошқарувини эркинлаштириш ва номарказлаштириш даражасини ошириш ҳамда самарадорлигини кучайтириш асносида маҳаллий бошқарув ваколатларининг фуқаролик жамиятига ҳос жиҳатларини ошириш; 5) ходим ўз лавозим вазифаларини бажаришга лаёқатини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш; 6) маҳаллий бошқарув ходими манфаатларининг давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлашишини таъминловчи омилларни излаш ва жорий этиш; 8) лавозим профессиограммаларини (лавозимнинг ижтимоий-психологик портретларини) ишлаб чиқиш.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи **“Маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини янада оширишда сиёсий ва демократик омилларнинг ўрни”** деб номланиб, унда фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишнинг замонавий йўллари, восита ва имкониятлари ҳамда унинг ечими йўллари таҳлил этилган.

Фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ ислохотларни “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” тамойили асосида янада чуқурлаштириш жойларда маҳаллий бошқарув органлари ваколатларининг ошириб боришини тақозо этиши умумий қонуниятга айланиб бораётган ҳозирги шароитда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини янада ошиб бориши фуқаролик жамияти қуриш тамойилларидан бирига айланиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам давлат маҳаллий бошқарув билан боғлиқ институтлар ролин оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Улар асосан қуйидагилардир: 1) маҳаллий бошқарув бўғинларида (маҳаллий вакиллик органларида) сиёсий партиялар гуруҳлари ролининг оширилганлиги; 2) ҳудудий манфаатларни тўлароқ ҳисобга олиш мақсадида маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари вакиллари сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантирилганлиги, улар томонидан Сенат аъзоларини сайланишини жорий этилиши; 3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг қонулар қабул қилишдаги масъулиятининг ошиб бораётганлиги. Бу масъулият нафақат маҳаллий бошқарув даражасида, айни пайтда, мамлакат миқёсида давлат ва жамият қуриш вазифаларини амалга ошириш ҳамда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш вазифалари билан узвий равишда боғлиқдир.

Ишда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишда икки асосий омилнинг муҳимлигига эътибор қаратилган: *биринчиси*, давлат органлари ва маҳаллий органларнинг маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш борасидаги ўзаро алоқасининг самарадорлиги (муаммони ҳал этишнинг ташкилий жиҳатлари); *иккинчиси*, маҳаллий бошқарув ходимларининг ижтимоий фаоллиги (ижтимоий-қасбий жиҳатлари).

Шунингдек, ишда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулияти ошиб бораётгани ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётдаги ўзгаришларни таҳлил этиш асносида очиб берилади. Ходимлар масъулиятининг ошишига нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам бевосита таъсир кўрсатишига муҳим эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланади. Ходимларнинг бошқарув фаолиятининг асосий йўналишини, куч-гайратини, биринчи навбатда, маҳаллий хизматчиларнинг фуқаролик, ватанпарварлик, масъулиятни ҳис этиш тўғрисидаги ривожлантиришга йўналтириш лозим. Чунки, жаҳон тажрибасига таянган ҳолда айтиш мумкинки, аҳолининг аксарият қисмида, ватанпарварлик туйғусининг шаклланганлиги ишлаб чиқариш, умуман, иқтисодиётнинг ривожига кучли таъсир ўтказувчи омил сифатида эътироф этилмоқда³⁹.

Муаллиф маҳаллий бошқарув тизимида ходимлар масъулиятини янада ошириш масалалари билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этиб, унинг ечими йўллари тўғрисида хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар беради.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти куриш жараёнида маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш муаммосини илмий жиҳатдан ўрганиш ва унинг натижаларини таҳлил этиш бу соҳада ўз ечимини кутаётган долзарб ва муҳим муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимларини топишга имконият ярағди. Ҳозирги даврга келиб маҳаллий бошқарув жамият ҳаётига ташкил этиш тизимида давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини жойларда амалга оширилишини, шунингдек, давлат ва фуқаролик жамияти (бошқарув субъектлари ва аҳоли)нинг ўзаро алоқаларини таъминлашдан иборат ўзига хос институт эканлиги эътироф этилмоқда.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий бошқарувнинг турли даражадаги ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган ислохотларни амалга ошириш давлатнинг кадрлар билан ишлаш сиёсати концепциясининг мазмуни ва самарадорлиги билан белгилаб берилади. Шу сабабли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар, аввало, маҳаллий бошқарув ходимларининг масъулиятини ошириш бу соҳада самарали хизматни ташкил этиш, унинг ахлоқий-маънавий, сиёсий тамойилларини амалга оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Зотан, бошқарув ходимларининг бошқарув фаолиятидаги шахсий масъулиятни ҳозирги даврда нафақат жамият

³⁹ Қаранг: Бегматов А. Бошқарув жараёни: ҳуқуқий оғи ва Ватан туйғуси. // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2003. -№ 2. –Б.20.

хошиш-истаги, балки давлатнинг кадрлар билан ишлаш сиёсатининг муҳим жиҳати ҳамдир.

Маҳаллий бошқарувнинг янги замонавий усуллари, тузилмалари ва технологияларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, уларни давлат ва маҳаллий бошқарув ходимлари томонидан ўзлаштириш, давлат хизмати ҳамда маҳаллий хизмат билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган, жумладан, давлатнинг кадрлар билан ишлаш сиёсатига доир қонунлар, меъёрий ҳужжатлар мажмуини ишлаб чиқишни амалга ошириш давлатнинг асосий стратегик мақсадларидан биридир. Бу мақсадни амалга ошириш "...фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда фаол иштирок этиш учун имконият яратишда..."⁴⁰ муҳим аҳамият касб этади. Зеро, И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий жамият қуриш йўлидаги мураккаб, кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолади"⁴¹.

Маҳаллий бошқарув ходимларида бошқарув фаолиятига нисбатан масъулият туйғусини шакллантириш маҳаллий бошқарув самарадорлигини оширишнинг муҳим омил хисобланади. Чунки, ходимлар масъулиятининг бошқарув жараёнига таъсири кучли бўлиб, унинг натижасида бошқарув жараёни субъекти фаолиятининг турли жиҳатларида ижобий ўзгаришлар кечади. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида маҳаллий бошқарув тизимини ислох этиш натижалари асосида муайян ахлоқий кадриятларни ўз дунёқарошига сингдирган масъулиятли кадрлар тизимини шакллантириш имкониятлари вуқудга келди. Бу жараёнда бошқарув ходимлари олдига "Ҳар куни, ҳар соатда филоий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толикмай, тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш ..." ⁴² вазифасини кўяди.

Ўзбекистонда маҳаллий бошқарув ходимларининг бошқарув фаолиятини ўрганиш ҳамда олинган илмий натижаларни таҳлил этиш асосида қуйидаги хулосалар шаклланди:

- фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятининг ошиб бориши муаммоларини сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил этиш мамлакатни модернизациялаш ва давлат бошқарувини эркинлаштириш, жамиятни янгилаш мақсадида "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг назарий жиҳатларини бойитади;

- маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириб бориш зарурияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг фаолиятини демократик тамойиллар асосида ташкил этиш ва фаоллаштиришни тақозо этмоқда;

⁴⁰ Назаров Қ, Кирғизбоев М, Пахрутдинов Ш. Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш йўлида. -Т.:«Академия», 2005. –Б.73.

⁴¹ Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга салоқат билан хизмат қилиш – олвий саодатдир.-Т.:«Ўзбекистон», 2007. –Б.38.

⁴² Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008. –Б.165.

- фуқаролик жамияти куриш ислохотларини янада чуқурлаштириб борган сари маҳаллий бошқарув ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият куришнинг асосий негизи сифатидаги роли янада кучайиб боради. Шунингдек, бу жараён мамлакатнинг тарихий, миллий-маданий ўзига хос негизи сифатида мустақил тараққиёт йўлини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда;

- маҳаллий бошқарув ходимларининг таркибий тузилишини такомиллаштириш, уларнинг бошқарув ваколатларинг кўламини ошиб бораётганлигини эътиборга олиб, уларнинг хизмат вазифаси, бурчи ва масъулиятини, шунингдек, бошқарув ходимларини ижтимоий ҳимоялашга доир ҳуқуқий асосларни такомиллаш гиришга зарурият сезилмоқда;

- ҳозирги мураккаб ўтиш даврида бошқарувчилик, етакчилик масъулиятининг ошиб бораётгани ҳамда бошқарув ходимларига касбий, ахлоқий, маънавий талаблар билан бирга жамият ва унинг бошқарув тузилмаларининг орғиб бораётган талабчанлиги нуктаи назаридан ҳам талаблар қўйилаётганини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий бошқарув ходимларининг бошқарувга доир билимларини оширишга қаратилган ўқув ва малака ошириш курслари, илмий-назарий анжуманлар, давра суҳбатларини муттасил ва доимий равишда ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

- маҳаллий бошқарув ходимларининг бошқарувдаги масъулиятини ошириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, бошқарув фаолиятида замонавий ахборот технологияларини қўллаш, уларнинг сиёсий маданиятини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир билимларини ва тасаввурларини ошириш;

- маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятининг ошиб бориши улар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ОАВда улар дунёқарошига миллий ғоя ва маънавий кадрларни сингдириш, бошқарув самарадорлигини оширишга доир назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган мақолалар ва назарий қарашларни эълон қилиб бориш, ОАВда уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик масъулиятини оширишга доир махсус рукнларда мақолалар туркумини эълон қилиб бориш;

- фуқаролик жамияти куришда маҳаллий бошқарув ходимларининг ўрни ва роли ошиб боришини эътиборга олган ҳолда сиёсий фанлар тизимида бошқарув ходимлари масъулиятини оширишга доир тадқиқотларни кучайтириш, бошқарув ходимлари масъулиятини ўрганиш ва оширишга қаратилган социологик тадқиқотлар ҳамда улар масъуллигининг ошиб бориш мониторингини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

- давлат бошқарув кадрлари ва маҳаллий бошқарув ходимларини бошқарув масъуллигини ошириш, уларни ҳуқуқий жиҳатлардан ҳимоялаш, бошқарув самарадорлигини оширишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хизмати ҳақида”ги қонунини қабул қилишга зарурият сезилмоқда;

- Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини куриш ислохотларининг ҳозирги жараёнлари “Нодавлат ташкилотлар томонидан давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида”ги қонунни қабул қилишни кун тартибига қўймоқда;

- маҳаллий бошқарув ходимларида жамият олдида масъуллик туйғуларини ошириш, уларни маънавий ва ахлоқий кадрятлар асосида бошқарув фаолиятлари олиб боришларини мувофиқлаштириш мақсадида “Давлат хизматчисининг ахлоқий кодекси”ни қабул қилиш.

ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жўрақобилова Ҳ.Х. Глобаллашув ва маънавий огоҳлик. Рисола. –Тошкент: «Akademiyа», 2007. - 24 б.
2. Жўрақобилова Ҳ.Х. Маънавият бузилмасин // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2007. -№ 1. -Б. 84-85.
3. Жўрақобилова Ҳ.Х. Маънавий огоҳлик йўлида // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. -№ 3. -Б. 28-29.
4. Жўрақобилова Ҳ.Х. Ахборотлашув ва унинг бутунги ҳаётимиздаги ўрни // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2007, махсус сон. -Б. 52-53.
5. Жўрақобилова Ҳ.Х. Маҳаллий бошқарувчи ва ахлоқий масъулият // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2008. -№ 2. -Б. 62-63.
6. Жўрақобилова Ҳ.Х. Маҳаллий бошқарувчилар масъулиятини ошириш омиллари // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2008. -№ 4 -Б. 42-43.
7. Жўрақобилова Ҳ.Х. Абдуҷамилова М. Маҳаллий бошқарув ва раҳбар масъулияти. Рисола. –Тошкент: «Akademiyа», 2008. -30 б.
8. Жўрақобилова Ҳ.Х. Ҳаммуаллифликда (Паҳрутдинов Ш.И., Жўраев Т.А., Иминов Б.К., Жалилов А.Т., Саидолимов С.Т., Ақобиров С.Р., Ғаниев А.С., Содикова Ш.М., Ташанов А.Д.). Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. / Таҷрибавий қўлланма. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. –Б. 39-61; 402-440.
9. Жўрақобилова Ҳ.Х. «Масъулият» тушунчаси, унинг намоён бўлиш хусусиятлари. «Ўзбекистонда мустақиллик шароитида фалсафа таълими ва фанининг раванки» мавзuidaги илмий-назарий конференция материаллари. Навоий давлат педагогика институти, 2009 йил 13 май. –Б. 197-200.

**Сийсний фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Журақобилова Ҳамида
Холматовнанинг 23.00.02 - Сийсний институтлар ва жараёнлар ихтисослиги бўйича
«Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришда маҳаллий бошқарув ходимларининг
масъулиятини ошириш омиллари» мавзuidaги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч сўзлар: фуқаролик жамияти, маҳаллий бошқарув, маҳаллий бошқарув ходимлари, масъулият, маҳаллий бошқарув ходимлари масъулияти ошишига таъсир этувчи омиллари.

Тадқиқот объектлари: фуқаролик жамиятини қуриш жараёнлари, маҳаллий бошқарув тизими, бошқарув ходимлари масъулиятини оширишга доир назарияларнинг ривожланиши, бу соҳада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар, бошқарув институтларини номарказлаштириш жараёнлари.

Ишнинг максали: фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш омиллари тадқиқ этиш ва бу соҳадаги муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этишга доир илмий изланишларни амалга ошириш.

Тадқиқот усуллари: тизимлилик, тизимли-максадлилик, тарихийлик, қиссий-сийс таҳлил ва эмпирик усуллар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини оширишга доир муаммоларнинг ечими, бу соҳада самарали натижаларга эришишга доир тадқиқотлар сийсний фанлар нуқтаи назаридан ўрганилгани билан белгиланади: фуқаролик жамияти қуришда маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятининг ошиб бориш заруряти, улар иш фаолиятининг мазмун-моҳияти демократик кадриятлар асосида ўзгариб бориши, шунингдек, "бошқарув", "маҳаллий бошқарув", "маҳаллий бошқарув ходимлари" тушунчаларининг маъно-мазмунидagi янги ўзгаришлар очиб берилган; маҳаллий бошқарув ходимларининг масъулиятини белгиловчи мезонлар аниқланган, фаолияти билан боғлиқ функционал вазифалари сийсний таҳлил этилган; маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини янада оширишга доир назарий ҳулоса, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: диссертациядаги фикр, мулоҳаза, ғоя ва ҳулосалардан Ўзбекистон Республикасида давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятида маҳаллий бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш, маҳаллий бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида ҳамда раҳбар кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасидаги илмий-услубий ва ўқув ишларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқ этиш даражаси: тадқиқот материаллари олий ўқув юртиларида «Миллий ғоя», «Сийсатшунослик» ва «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» ва бошқарувга доир фанларни ўқитишда қўлланилган.

Тадқиқот тавсиялари республика «Миллий ғоя ва мафкура» илмий-амалий маркази фаолиятида. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бошқарув ва раҳбар фаолияти билан боғлиқ фанларни ўқитишда тадқиқ этилган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқиқот натижаларидан давлат ва жамият бошқаруви, бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш соҳаларида, улар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ маънавий-маърифий, ғоявий-мафқуравий тадқиқотларда қўллаш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Джуракабилловой Хамиды Холматовны на тему «Факторы повышения ответственности сотрудников местного управления в построении гражданского общества в Узбекистане» на соискание ученой степени кандидата политических наук по специальности 23.00.02 – политические институты и процессы.

Ключевые слова: гражданское общество, местное управление, сотрудник местного управления, ответственность, факторы, влияющие на повышения ответственности сотрудников местного управления.

Объекты исследования: процессы построения гражданского общества, системы местного управления, развитие теории повышения ответственности сотрудников местного управления, реформы, осуществляемые в Республике Узбекистан в данной отрасли, процессы децентрализации институтов управления.

Цель работы: исследовать факторы повышения ответственности сотрудников местного управления в процессе построения гражданского общества и изучение проблем в этой сфере, осуществление научных исследований относящихся к их решению.

Методы исследования: системность, системно-целевой анализ, историчность, сравнительно-политический анализ и эмпирические методы.

Полученные результаты и их новизна: Определяется с точки зрения политических институтов и процессов изучение факторов и условий, пути решения проблем, повышения ответственности сотрудников местного управления в процессе построения гражданского общества в Узбекистане; обоснованы взаимосвязь понятий «управление», «местное управление», их общие и индивидуальные аспекты; изучены содержание и смысл понятия «ответственность персонала местного управления»; во взаимосвязи с понятием «ответственность персонала местного управления» с процессом построения гражданского общества, выявлены критерии, определяющие ответственность персонала местного управления; политически проанализированы их функциональные обязанности, относящиеся к их деятельности; разработаны теоретические выводы, практические рекомендации и предложения по повышению ответственности персонала местного управления.

Практическая значимость: представленные в диссертации мнения, идеи и выводы могут быть использованы при повышении ответственности персонала местных управлений в деятельности органов государства и местного управления в Республике Узбекистан, а также при научно-методических и учебных работах, связанных с повышением подготовки и переподготовки руководящих кадров в целях совершенствования местного управления.

Степень внедрения: материалы исследования внедрены в процессы изучения в высших учебных заведениях таких дисциплин, как «Национальная идея», «Политология» и «Теория и практика построения демократического общества в Узбекистане».

Рекомендации диссертации внедрены в деятельность республиканского научно-практического центра «Национальная идея и идеология», также при обучении дисциплин, связанных с управлением и деятельностью руководителя в Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан.

Область применения: результаты исследования могут быть применены в области государственного и общественного управления, повышения ответственности управленческого персонала, в сфере подготовки, переподготовки и усовершенствования их деятельности, а также в духовно-просветительских, идейно-идеологических мероприятиях, связанных с совершенствованием их деятельности

RESUME

Thesis of Djurakobilova Hamida on the scientific degree competition of the candidate of sciences in political in speciality 23.00.02 - Political institutions and Processes on the subject: "Factors of development responsibility of employees of municipal government in construction of civil society in Uzbekistan".

Key words: civil society, municipal government, employees of municipal government, responsibility, factors, influencing to the formulation of employees of municipal government.

Subjects of the inquiry: processes of construction of civil society, systems of municipal government, theory of improving responsibility of employees of municipal, reforms implementing in the Republic of Uzbekistan in the given sphere, processes of dicentralization bodies of governing .

Aim of the inquiry: to research the factors of improving responsibility of managing system in the processes of civil society and also showing up the main trends, factors and conditions of its improving.

Methods of inquiry: systematical approach, systematical-structural methods, historicity, political-comparative and empirical methods.

The results achieved and their novelty: social nature of responsibility in the sphere of municipal government has been investigated; dependence of origin of varuous peculiarities of social responsibility of government managing from numerous functional kinds of local managing as a social and managing of legal institutions activities of professional managing was indicated; the peculiarity activity of municipal governing as a subject of social responsibility their role and significance of providing effectivity of municipal governing in the process interrelation of state authority and institutes of civic society has been stated; Factors and necessity candidations influencing to the formulation of great degree of social responsibility of municipal governing were identified and some questions of influencing to the cultural and spiritual – ethical quality of municipal governing and processes of formulation of their feeling demanding approach to their employees duties from point of interests of he society were reflected; the affectivity of measures having organizational functional social – professional peculiarities – necessity for the improving of social responsibility of local managing in the system of municipal governing were analysed.

Practical value: The conclusions and recommendations of the thesis might be used in perfecting personal leaders in improving of responsibility employees of local managing, as well as in elaborating them social political assist in professional activities.

Degree of embed and economical effectivity: The materials of the research could be used in teaching of high educational system of such subjects as "National idea", "Politology" and "Theory and practice of constructions of democratic society in Uzbekistan".

Recommendations of the dissertation are used in activities of republican scientific – practical center of "National idea and ideology", and also in she teaching Processes connecting with governing and activity of personal leaders at the Academy of social and state construction under the President of the Republic of Uzbekistan.

Sphere of usage: The results of the thesis might be used in the sphere of improving responsibility employees governing, perfecting of their activities improving of responsibility employees of state, authority on the backgrounds of requiring of the time.

Тадқиқотчи:



Босишга рухсат этилди. 21.09.2009 й.
Босма табок 1,5. Адади 100. Буюртма № 21/09.
“Академ - Хизмат” босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45